

Миллий ўзлик

Тил номуси ва тақдири

ёхуд тилимиз барҳаётлигини нималар таъминлайди?

Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон ҳалқ шоири

ОНА ТИЛИМ ЎЛМАЙДИ



Нотик деди:
«Тақдир шул,
Бу жаҳоний иорда.
Тиллар йўқолур буткул,
Бир тил қолур дунёда».

«Эй воиз, пастга тушгин,
Бу гап чиқди қаердан!»
Навои билан Пушкин
Туриб келди қабрдан.

Ким дарғазаб,
Ким жайрон,
Чиқиб келдилар қатор:
Данте, Шиллер ва Байрон,
Фирдавсий, Бальзак, Тагор.

«Ваззингни кўй, биродар,
Сен айтганинг бўлмайди».
Барча деди баробар:
«Она тилим ўлмайди».

— Хей, бу қандай ақида!
— Кўйлида табарук жом.
Гўзлар форсий ҳақида
Рубойи айтди Ҳайём.

Эҳтиросли, оташдил
Беранжек сўди нолон:
— Наҳотки, фарангни тил
Йўқолгуси бир замон!

Неруда, Лорка турди
Сервантеснинг ёнига:
— Ким қасд этиб тиф урди
Она тилим жонки!

Фузулий ёнди:
— Озар
тили гулдек сўлмайди.
Барча деди баробар:
«Она тилим ўлмайди».

Камаладек ранго-ранг
Бўлсин деб санъат, тиллар,
Асрларча қилдик жанг,
Армон қилдик минг йиллар.

Бекадр бўлса, наҳот,
Тиллардаги тароват!
Йўқолди бу кун, ҳайҳот,
Карбларда халоват!

«Фауст» ёнди гуриллаб,
«Хамса» ўтта тулашди.
Биг садо жаҳон бўйлаб
ТАРАДИ, тоғлар ошди.

Бу садо янгар ҳамон,
Сира адо бўлмайди.
Оlam айтар:
Хеч қачон
Она тилим ўлмайди!

Она тилимизнинг бугунги қадр-
қиммати, жамиятдаги нуфузидан
кўнглимиз тўлмаётгани бор гап.
Атрофимиздаги ажнахий сўзлар,
ўзаро мулокотларда иккичу тилин
аралаштириб сўзлаш, жой номла-
ри, пешлавҳа ва рекламалардаги
имловий хатолар, адабий тил
мөъёрларига беписанд муносабат-

лардан оғриняпмиз.
Сўз ўзбек тилининг юксалиши,
барҳаётлиги ҳақида борар экан, бу
борадаги муаммоларимиз, фақат
номлаш, пешлавҳа, ташзи реклами-
дангина иборат эмас. Давлат ташки-
лотларида иш юритишдан тортиб,
қонун лойиҳаларини давлат тилида
тайёрлашгача, ўзимиз ўзбек бўлиб,

ўзбекча ўйлаб турив, фарзандлари-
мизга дунёни бошқа тиллар орқали
танитатётганимиздан тортиб, ўзбек
тили таълимимизни ўйлишиб қолган
муаммоларигача... ечимига йўл из-
ланяпти. Демак, юртдошларимиз
қалбидаги тилимиз тақдирига нисбатан
кулончаклик, жонсараклик бугун
хар қачонгидан муҳим. Зотан, ўзбек

тилини шунчаки адабий тил эмас,
тафаккур тарзи ва мулокот қуроли
сифатида яшаб қолиши ва ривожла-
ниши, табиийки, ватандошларимиз-
нинг миллий ўзликка садоқати билан
фаҳрсланиши — улуғ ва муштарак
мақсадимиз аслида. Қолаверса, Саъ-
дий домла айтганларидек, тил номуси —
миллат номуси демакдир.



Комила ИСРАИЛОВА,
«Адолат» СДП Фарғона вилоят Қенга-
ши раиси ўринбосари:

— Ўзбек маърифатпарвар шоири Аваз Ўтар
ўзининг машҳур «Тил» фазалида
«Лозим сиза ҳар тилини билув она тилидек,
Билмакка они ғайрат этинг,
ғойдага кондур», деб ёзди.

Шоир бунда ўз замондошлари ва ёшлар-
га тил ўрганишининг қанчалик фойдали
еканлиги, тил билгувининг имкониятла-
ри кенглигини ўтиради. Шунингдек, ҳар
тилини билишдан олдин ўз она тилини чукур
англомоқлик, ўрганмоқлик вазифасини ёдга

солади.

Бугунги ўшларнинг дунё тилларига
қизиқиши баланд. Инглиз, рус, немис, ко-
рней, француз тилларида равон сўзлаётган
ува-сингилларимизни кўриб, фаҳрланамиз.
Бирок инсон кўнглида сўзлай олган билин
она тилида ўйлади, фикрлайди. Бугун
жамиятимиз ёршишига уринаётган кенг
фикрларлик, маънавий етукли ҳам дастлаб ўз
она тилига бўлган хурматдан бошланади.

Юртимизда ўзбек тилига ўтибор масала-
ни давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.
2019 йил 21 октябрда Президентимиз «Ўзбек
тилини давлат тили сифатидаги нуфузи
ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирла-

ри тўғрисида»ти Фармонни имзолади. Янги
тахриргати «Давлат тили ҳақида»ти қонун
қабул килинди, мамлакатимизда давлат ти-
лини ривожлантириш департamenti ташкил
еттиди.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг БМТ
Бош Ассамблеясиининг 75-сесиясинда жаҳон
хамжамияти олдида турган энг муҳим маса-
лалар хусусида ўзбек тилини ўзбек тилини
ҳам тилимизнинг халқаро миқёсдаги
мавқенини мустаҳкамла ўйлуди яна бир
кatta қадам бўлади. Таъбир жоиз бўлса, бу
ўзбек тилинина нафақат адабий ёки илмий
салоҳиҳи, балки сиёсий қудратини ҳам кенг
миқёсда намоён ётди.



Нигора МАННОПОВА,
Эркин Воҳидов номидаги
она тили ва адабиёт, хори-
жий тилларга ихтисослаш-
тирилган мактаб-интернат
директори:

— Ўзбек тилининг истиқболи,
том маънодаги барҳаётлиги
ёш авлод қалбига она тили-
га муҳаббат, миллий түрур
туйгуларини сингдиришга,
таълим мусассасаларида миллий
тил тарбиботчили, жонку-
ярларини тарбиялашга ҳар
жихатдан боғлиқ. Бу бора-
да республика мактаб-интернат
ишидаги ташкил «Иҳод
мактаб-ларини ташкил этиш-
нинг мөҳияти ҳам шу аслида.

Қаҳрамон шоиримиз Эркин
Воҳидов ўзининг «Сўз — за-
барждад, сўз гавҳар, оптин»

— Тил хазинаси» сингари ўзбек
тилиниң накадар улуғворлиги,
умроқилиги, қадр-қиммати
ҳақида ўтиб калмаларни
жамиятга олдиган «Сўз латофати»
китоби билан миллий тил
қайғусини энг долзарб маса-
ла сифатида жамият олдига
кўндаланг ташлади. Миллат-
севар шоирининг «Она тилим
ўлмайди!» деган сатрлари ҳам
бўлган ўқувчи-шашларимизнинг
тил тарбиботига шиорига, шу
мавзусидаги ишларининг асосий
мавзусига айланган.

Бу йўл ўзбек тилига давлат
тили мақоми берилганини
31 йилинига бағишиланган
лоҳижаларимиз «Қадиринг
баланд бўлсин», «она тилим!»
шиори остида ўтказилмоқда.
Ўзбекистон ўзбекларга ўюнчига
найтилган ўзбекларга олдига
набирасига ўзбек ҳалқ эртак-
ларини равон оҳан билан
ўқиб берәтган, ўзбекча
саломнинг мөҳиятини юксак
бахолаган бобо-бувлар,
фаҳрланаридан гўзл ва
маъноли сўзлашга, миллий
мултфильмлар томошасига
рағбатлантариштган оқил та-
оналаган рахматлар айтгинг
келади. Зотан, миллий тил
билимни суғорилган ҳар қандай
тарбия йўли болани саодатга
олиб бориши, шубҳасиз.

Таълим мусассасаларида
кирк йилдан зиёд она тили
ва адабиёт, нутқ маданияти,
давлат тилида ши юритиш
фандаридан ёшларга билим
бераман. Шу дарв мобайни-
да она тилимизнинг чексиз
кудрати, имкониятларини
кашф этиб, асрлар силсила-
сидан омон ўтган барқамол
бўй-бастини кўша бошладим,
тилимизда яралган гўзл
асарларнинг мутолаасидан
завқланавердим. Аংгладимки,
китоб мутолааси ҳам ўзбек
тили жозигини англаш,
маънавий озука бериси
баробарида адабий тил норма-
ларининг бадиин дарслиги
экан.

Қишиларнинг ўз она тилига
муҳаббати Ватани, миллати,
ўзлигига муҳаббати билан
тengлаштирилади. Олам узра
жаранглайтган она тилимиз
тақдирига қаратилган ўти-
боримизни амалий ишларда
намоён ётди.

Саҳифани
Дилнавоз Қўлдошева
тайёрлади.

Дунёда жаранглар ўзбек қаломи



Бугунги кунда дунё аҳолисининг
юртимизга, хусусан, она тилимизга
қизиқиши ортди. Айниқса, муҳтарам
Президентимизнинг БМТ минбаридан
туриб она тилимизда нутқ сўзлагани бу
борадаги мақсадларимиз сари дадил
қадам қўйилганини англашади.

АҚШ, Россия, Франция, Хитой,
Туркия, Украина, Қозоғистон,
Қирғизистон, Япония, Жанубий
Корея, Озарбайжон, Ҳиндистон
каби хорижик мамлакатлар
олий ўқув юргуларида ўзбек тили
ўқитилмоқда. Замонавий ўзбек

адабиёти намуналарини дунё тил-
ларига таржима қилиш суръати ҳам
сезиларни даражада ўсади.

Давлатимиз раҳбари томонидан
юртимизда ўзбек тилининг қадр-
қимматини кўтариш, нуфузини юк-
салтиришга қаратилган қарор қабул

килиниши эса ўш авлод тарбиясида
она тилига ўтибор масала-
ни шакллантиришимиз учун
хиссина шакллантиришимиз учун
кенинг йўл очди.

Эндилида мактабгача таълим
муассасасидан бошлаб, олий ўқув
юртларигача она тили ва адабиёт
фандарига учун ажратилган дарс
соатларининг сезиларлари даражада
ўстанлиги ҳам миллий тилимизга
ўтибор намунасиадир.

Баъзан касбдошларимиз, устоз-
лар билан сұхбатларимиз давомида
она тилимизни асрлаш, уни қандай
қилиш, ўшларимиз нутқидаги ўзга
тиллардаги сўзларни алаштириб
сўзлашга ўтириш холларига қарши
чора излашга уринамиз. Шунда

тилшунос олимларимиздан бирин-
инг «Ҳар бир миллат ўз она тили-
нинг қадри юксалиши ва умри узун
бўлиши учун ўша тилда сўзлашсан,
сўзлашганда ҳам гўзл ва равон

«сўзлашсан» деган сўзларидан куч
оламиз.

Зотан, миллат кўзгуси бўлган оғизларга
она тилимизни саклаб, келгиси авлод-
ларга соғиф ва сержило ҳолда етка-
зиш барчамизнинг бурчимиз. «Она
тили бу миллатнинг руҳидир. Уз-
тилини йўқоттган ҳар қандай миллат

ўзлигидан жудо бўлиши мукаррар»,
деган сўзлар хамшича онгу шуури-
мизда жаранглаб туриши керак.

Юлдузхон МАРДОНОВА,
Фарғона шаҳридаги 36-ўрта
таълим мактаби она тили ва
адабиёт фани ўқитувчisi.

Фолиб аниқланди

Фарғона шаҳридаги "Истиқлол" ўйингоҳида футбол бўйича Фарғона вилоят ҳокими кубоги ғолиби аниқланди.



Олий таълим даргоҳларида

“БОЛАЖОН”

ИННОВАЦИЯ

МАРКАЗИ

олий таълим муассасасида она ва
боланинг муштарак манфаатига
хизмат килади



**Фарғона давлат университетида таҳсил ола-
ётган талабаларнинг 6 мингдан зиёдини хотин-
қизлар ташкил этади. 976 нафар оиласи тала-
ба-оналарнинг 700 нафардан ортиғида боғча
ёшидаги фарзандлар бор.**



ижтимоий қўллаб-
кувватлаш, уларнинг
эркин билим олиши ва
етук кадр бўлиб етишиши
учун эътибор қаратиш
лозимлигига ургу берган
эди. Сенат раисининг
университет қошида она
ва бола хоналари ташкил
этиш лозимлиги ҳақидаги
таклифига ижодий
ёндашув билан "Бола-

табгача таълим тизими
имкониятларидан тўла
баҳраманд бўлиши учун
шароит яратиш бора-
сида амалга оширила-
ётган эзгу ишларнинг
ўзига хос ифодасидир.
Эндилиқда талаба-
қизларимиз боғча
ёшидаги фарзандларини
марказга топшириб,
дарс машгулотларида
тўлик иштирок этади-



Дилнавоз
КҮЛДӨШЕВА



МУАССИС: ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

**Вилоят ҳокимлигинин
расмий веб-сайти**
www.fargona.uz

Газета чоршанба ва шанба кунлари чикади

Бош мухаррир:
Муҳаммаджон ОБИЛОВ

Газетадан материал күчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди.
2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида
12-001 раками билан рўйхатдан ўтган.

Газета тахририятига юборилган
күлөзма ва суратлар қайтарилимайды.

Газета «Полиграф-Пресс» МЧ
босмахонасида таҳтириятнинг ор-
макети асосида оғсет усулида чоп
Манзили: Марғилон шаҳри, Тур-
кӯчаси, 236 «Б» уй.

*Босишга топшириш
вақты: 19.00.
Топширилди: 18.50.*

**Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри,
Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-й.**
**Бош мухаррир кабулхонаси: (факс) 73-226-02-70.
Роҳлама: 73-226-71-24**

Саҳифаловчи Алишер Розиков.

ISSN: 2010-8370